



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 22 февраль, № 37 (5457)

Чоршанба

## «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАҲҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ — РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16-17 февраль

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ва глобал рецессиянинг таҳдид солаётган янги тўлқини дунёнинг асарият давлатларига ҳамон ўз таъсирини кўрсатаётган бугунги кунда жаҳон барқарор иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишга эҳтиёж сезмоқда.

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва кўйилмаларнинг ўсиши, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим кадрлар ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатга ўзини намоян эта олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу бора-

да тўпланган тажриба билан кенг таништириш мақсадида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эитириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлатидан, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди. Ушбу нуфузли форумда БМТ Бош қотибнинг ўринбосари, Осиё тараққиёт банки президенти, Ислам тараққиёт банки президенти, қатор хорижий мамлакатлардан вазирлар, соҳага тегишли кўмиталар раҳбарлари ва парламентлар депутатлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислох қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислох қилиш дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон таллаган «Ўзбек модели»нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги демократик, тараққиёт толган мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айни пайтда бошқаларнинг моделлари такрорланмаган ҳамда улардан нусха кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран синдирилган коммунистик мафқуранинг қолип ва андозаларидан бутунлай воз кечши, одамларнинг, биринчи навбатда, уни-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига, ўз йўлига ва қатъий гражданлик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

Конференция қатнашчилари мамлакатимиздаги қатор умум-

таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Конференция таълим тизимининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими самардорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича тажриба алмашиш имконини берди.

Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислох қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислох қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар.

Бугун юксак маънавий ва ахлоқий ғазилатларга эга, билим-

ли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис XXI аср — интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятга замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозоридан рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодийнинг юқори технологияларга асосланган замонавий тузилмасини шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайд.

(Давоми 2-бетда).



16-17.02.2012. TOSHKENT

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эитириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини» мавзусидаги халқаро конференция

иштирокчилари пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида бўлиб, мамлакатимиз ёшларининг билим олиши учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

## «ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ХОРИЖДА ҲАМ ТАН ОЛИНМОҚДА»

Муҳаммадамин ХОЛМУРОД МИРЗА, Маккадаги «Ум ал-Қуро» университети хирургия кафедраси доктори, Буюк Британия Хирургия коллежи аъзоси (Саудия Арабистони Подшоҳлиги):

— Аввало, Бухорий, Термизий, Ибн Сино сингари улугларни вояга етказган замона қадам кўйганимдан бениҳоя хурсандман. Келажак буюк бу юртнинг ўтмиши ҳам, бугуни ҳам буюқдир. 2007 йил Ислам конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири — Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO тарафидан Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти, деб эътироф этилиши бежиз эмас, албатта. Муҳтарам Президент

Ислам Каримов ташаббуси билан ўтган ушбу конференциянинг асл мазмун-моҳияти ҳам бугунги ёш авлоднинг етук бобоконларга муносиб бўлиб улғайишлари учун замин яратишга қаратилган. Ва бу эзгу ният шубҳа билан амалга ошаётганлигига гувоҳ бўлди. Биз 1-республика тиббиёт коллежиде бўлдик. Касбим тақозосига кўра, у ердаги ўқувчилар билан суҳбатлашиб, англадимки, ўзбек ўғил-қизлари илмга чанқок, янгилликка интилувчан, ўзларига ишонувчан экан.

Бу бежиз эмас. Зотан, Ўзбекистонда навқирон йигит-қизларнинг мустаҳкам билим олиши учун беқиёс шарт-шароит яратилган. Таълим тизими ривожига миллиардлаб маблағ сарфланмоқда. Ёшлар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида кўплаб ижтимоий лойиҳалар амалга оширилаётир. Шу боис навқирон авлод аҳоилари озод ва обод келажак қуришда асосий куч бўлиб майдонга чиқмоқда, эзгу ислохотларга муносиб жавоб беришга интиляпти.

Ишюко КАБАТА, Токио қишлоқ ҳўжалиги ва технология университети проректори (Япония):

— Ўзбек халқи ҳамиша устоз-мураббийларга чексиз эҳтиром кўрсатиб келади. Бу миллий қадриятларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шубҳасиз, қай ерда ўқитувчилар эъозланса, ўша юртнинг бугуни барқарор, истиқболли ёруғ бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Президент Ислам Каримов томонидан олиб борилган таълим сиёсати натижасида ана шу аъаналар булуги қайта кўз очди. Жамиятда педагогик энг катта эҳтиромга лойиқ касбга айланди. Мазкур шарафли ва масъулиятли юмушни етагидан тутганлар моддий-маънавий жиҳатдан мудом кўллаб-қувватланмоқда. Уларга давлат томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётир.

Юртингизда 1 октябрь — ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида нишонлашни, ҳар йили кўплаб ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз давлатингизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилиши, улар ўртасида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови мунтазам ўтказилиб келинаётгани бунинг тасдиғидир.

Тошкент шаҳридаги 50-сонли итисослаштирилган мактаб ҳамда касб-хунар коллежлари ва университетларни бориб кўрганимизда, бу ҳақда яна бир бор билиб олдик. Ҳамма-ҳаммаси рисоладагидек — жаҳон стандартларига мос ўқув-лаборатория хоналари, кенг ва шинам аудиториялар, кутубхоналар, спорт заллари... Имкониятлар ва қулайликларни санаб, адоғига етиш қийин.

Биз, меҳмонлар учун конференция ишида кўнгилдагидек иштирок этиш, таълим-тарбия, маданият масканлари билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилгани ҳамда юқори даражадаги меҳмонхона, транспорт сервисини ҳамда таржумонлик хизмати учун ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз.

(Давоми 2-бетда).

## ИНТИЛУВЧАН ЁШЛАРГА БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК



Ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш навқирон авлоднинг баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш эзгу мақсадларимиздан биридир. Зеро, ёшларимизнинг замон талабларига мос билимларни пухта ўзлаштириб, келгусида малакали мутахассис бўлишлари учун беқиёс имкониятлар яратилаётганлиги замирида фаровон келажак орзуси мужассам.

«Таълим ва мутахассислик — 2012»

Бугун таълим соҳаси ривожига қаратилган эътибор, Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган мақсадли дастурлар самараси юртимизда камол топаётган ўғил-қизларнинг изланиши, интилиши ва муваффақиятли

одимлари мисолида намоян бўлмоқда. Фахрлансақ арзийдики, таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, ёшларнинг ўзлари қизиққан йўналиш бўйича етук билим ва кўникмага эга бўлишлари учун муносиб шарт-шароит яратиш, иқтидор-

ли ҳамда ташаббускор йигит-қизларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасидаги ибратли саъй-ҳаракатларимиз эндиликда халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Бунга ўтган ҳафтада пойтахтимизда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эитириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таассуротлар мисолида яна бир бор амин бўлдим.

(Давоми 2-бетда).

## АҚШ Конгрессида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан баёнот берилди

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг йигирма йиллиги муносабати билан АҚШ Конгресси Вакиллар палатасидаги Марказий Осиё бўйича гуруҳ (Кокус) ҳамраиси, конгрессмен Эни Фалеомаваега расмий баёнот берди. Расмий ҳужжат сифатида тақдим этилган мазкур баёнот Конгресс архивида сақланади, шунингдек, АҚШ Конгресси Вакиллар палатасининг барча аъзолари ўртасида тарқатилди.

Биз ва жаҳон

Баёнотда қайд этилишича, 1992 йил 19 февралда АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган пайтда мамлакатимиз қайта тикланиб, ўз суверенитетини қўлга киритган республика сифатида кўп асрлик

ўтмишга эга бўлгани ҳолда, мустақиллигини дастлабки йилларида кўпгина қийинчиликларга дуч келган.

«Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда — сиёсат, иқтисодиёт ва халқаро муносабатларда салмоқли та-

раққиётга эришишга муяссар бўлди. Ўзбекистон мавжуд қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти асосида пойдевор яратиш устида иш олиб боргани ҳолда, демократия томон одимламоқда ва шу тарикада ноёб тарихий меросни ҳамда миллий ўзига хосликни тикламоқда», дейилади баёнотда.

(Давоми 2-бетда).

ётган ёрдам, хусусан, темир йўллар ва кўприклар қурилиши, имтиёзли нархларда электр энергияси етказиб берилаётгани учун Ўзбекистондан алоҳида миннатдор эканлигини, бу эса АҚШ учун жуда муҳимлигини таъкидлади.

— Мен Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Америка Қўшма Штатларини кўллаб-қувватлаш борасидаги барча саъй-ҳаракатлари учун яна бир бор тибриқлайман ҳамда президент Б. Обама ва Давлат қотиби Х. Клинтоннинг Америка — Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини олқишлайман, — дея ўз фикрини яқунади Э. Фалеомаваега.

«Жаҳон» АА.

Бельгия парламентининг атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши бўйича кўмитаси аъзоси Филипп Бланшар раҳбарлигидаги парламент делегацияси аъзолари 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эитириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этди.

## БЕЛЬГИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING УЧРАШУВЛАРИ

Филипп Бланшар Тошкентда ўтказилган ушбу нуфузли халқаро форумда иштирок этиш асносида Ўзбекистон таълим муассасалари фаолияти билан бевоисита танишиш имконига эга бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон тараққиёти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганига, таълим соҳасига катта эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўлганини алоҳида қайд этди.

Бельгия парламенти аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси раиси Борий Алихонов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Бельгия ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётир.

Учрашувда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсон саломатлигини асраш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

## Рақамли телевидение хизмати кенгаймоқда

2011 йилда мамлакатимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми



38  
фоизга етди.

Ўтган йил мобайнида юртимизда телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ





